

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ҚУРБАНОВ ШЕРЗОД БАХТИЁРОВИЧ

**ФРОНТАЛ ПЛУГ БУРЧАККЕСКИЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Қурбанов Шерзод Бахтиёрвич

Фронтал плуг бурчаккескичи параметрларини асослаш..... 3

Қурбанов Шерзод Бахтиёрвич

Обоснование параметров углоснима фронтального плуга..... 19

Kurbanov Sherzod Baxtiyorovich

Basing dimensions of frontal plug cornercutter..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ҚУРБАНОВ ШЕРЗОД БАХТИЁРОВИЧ

**ФРОНТАЛ ПЛУГ БУРЧАККЕСКИЧИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ҚАРШИ – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Г215 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.qmii.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Фармон Муртозевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мусурмонов Аззам Турдиевич
техника фанлари доктори, доцент

Эргашев Маъруфжон Муҳаммаджонович
техника фанлари бўйича PhD

Ётақчи ташкилот:

«ВМКВ-Agromash» АЖ

Диссертация химояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «31» октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шох кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «20» октябрь кунини тарқатилди.
(2020 йил «19» октябрь даги № 2 рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раис ўринбосари, т.ф.д., профессор

Д.Ш.Чуянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

З.Л.Батиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қотибдаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган тупроққа асосий ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш ва қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида экишдан олдин тупроққа ишлов бериладиган майдон 1,6 млрд. гектарни ташкил этишини»¹ ҳисобга олсак, иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов бериш машина ва қуролларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Шу билан бирга донли ва такрорий экинлар экиладиган майдонларни очиқ эгат ва марзаларсиз текис шудгорлайдиган плугларни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда донли ва такрорий экинлар етиштириладиган далаларга асосий ишлов беришнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, ерларни текис ва сифатли шудгорлайдиган плугларни ишлаб чиқиш ва технологик жараёнини асослаш, ишчи қисмларини тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнида ресурстежамкорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, бурчаккескич иш органи билан жиҳозланган эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, далаларни бир ўтишда экишга тайёрлашда кам энергия сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган техника воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, "...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш"² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугларни техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

¹www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон “2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Текис шудгорлайдиган плугларни яратиш ва қўллаш, уларнинг иш кўрсаткичларини ўрганиш ва параметрларини асослаш, шунингдек плугнинг иш органларини тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ўрганиш бўйича хорижда L.Kaufman, D.Totten, R.Karlson, В.А.Сакун, Б.М.Шмелов, В.В.Шаров, Я.П.Лобачевский, И.М.Панов, О.А.Сизов, Г.Е.Листопад, О.М.Мацепуро, В.А.Тумасов, Н.А.Шпаковский, В.Г.Валимов, Ю.П.Полоус, С.А.Золотарев, М.С.Максименко, Н.У.Вахитов, Н.В.Вольф, Ю.Г.Редькин ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу йўналишда республикамизда Р.И.Бойметов, А.Тухтақўзиев, Ф.М.Маматов, И.Т.Эргашев, У.П.Бобоев, Ҳ.А.Равшанов, А.Р.Нормирзаев, Б.Ш.Ғайбуллаев, А.В.Рязанов, С.А.Қундузов ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган плуглар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, бу тадқиқотларда эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган бурчаккескичи параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг От-Итех-2018-36 “4-синф тракторларга текис шудгорлайдиган плугни ишлаб чиқаришга жорий этиш” (2018-2019) ҳамда ОТ-Ф2-01-“Энергия-ресурстежамкор эгатсиз текис шудгорлайдиган комбинациялашган плуглар ва улар асосидаги турли технологик жараёнларни бир ўтишда бажарадиган машиналарни яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2017-2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эгатсиз текис шудгорлашда агротехника талаблари даражасидаги технологик жараённи кам энергия сарфлаган ҳолда

юқори иш сифатини таъминлайдиган фронтал плугнинг бурчаккескичи параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд текис шудгорлайдиган плугларнинг агротехник кўрсаткичлари ва иш унумини ошириш ҳамда энергияҳажмдорлигини камайтириш йўлларини излаш ва таҳлил этиш асосида такомиллаштирилган фронтал плугнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

ўз эгати чегарасида тўлиқ ағдариладиган палахсанинг рационал шакли асосида фронтал плуг бурчаккескичининг параметрларини асослаш;

такомиллаштирилган фронтал плуг иш органларининг тупроқ билан таъсирлашиш жараёнларини ифодалайдиган ҳамда уларнинг параметрлари ва тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишларни олиш;

такомиллаштирилган фронтал плуг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг бурчаккескичи параметрлари, рамада жойлашиш ўрни ҳамда ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини ўрганиш ва уларни ифодаловчи регрессия тенгламаларини олиш;

такомиллаштирилган бурчаккескичли фронтал плугнинг синовларини ўтказиш ва унинг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тупроқнинг физик-механик хоссалари, фронтал плуг ҳамда унинг бурчаккескичи олинган.

Тадқиқотнинг предмети такомиллаштирилган фронтал плуг корпуси ва бурчаккескичининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва математик моделлар ҳамда унинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини бурчаккескичнинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида бурчаккескичнинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, TSt 63.04.2001, TSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўпбурчакли шаклдаги палахсани ишончли ағдарилишини таъминлайдиган эгатсиз текис шудгорлаш технологияси ва уни амалга оширадиган бурчаккескичли фронтал плугнинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

ўз эгати чегарасида айланадиган палахсанинг рационал шакли ва палахсани сифатли ағдарилишини ҳисобга олиб бурчаккескични фронтал плугда жойлашиш ўрни асосланган;

бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа палахсанинг деформацияланиш зонаси бурчаккескичга етиб бормаслик шартидан, бурчаккескичнинг баландлиги эса унинг ишлов бериш чуқурлиги ва қамраш кенлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

даладан бир ўтишда очик эгат ва марзалар ҳосил қилмасдан тупроқни экишга тайёрлайдиган бурчаккескичли фронтал плугнинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларини бурчаккескичнинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асосланган параметрларга эга бўлган бурчаккескичлар билан жиҳозланган эгатсиз текис шудгорлайдиган такомиллаштирилган фронтал плуг ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган фронтал плуг бурчаккескичи параметрларининг мақбул қийматларида шудгорлаш сифати яхшиланиши ва иш унумини ортиши, меҳнат ва энергия сарфини камайиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, фронтал плуг бурчаккескичининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган бурчаккескич иш органи билан жиҳозланган такомиллаштирилган фронтал плугнинг дала синовларида олинган ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти такомиллаштирилган фронтал плуг бурчаккескичининг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминловчи параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш иш органларининг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган такомиллаштирилган фронтал плуг билан тупроққа агротехника талаблари даражасида сифатли ишлов берилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари, меҳнат сарфи ва фойдаланиш харажатларини камайтиришга ҳамда иш унумини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фронтал плугнинг бурчаккескичи параметрларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда олинган илмий натижалар асосида:

бурчаккескичли фронтал плугнинг конструкциясини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш учун дастлабки талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 02/023-1878-сон маълумотномаси). Натижада эгатсиз текис шудгорлайдиган бурчаккескичли фронтал плуг конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

даладан бир ўтишда очик эгат ва марзалар ҳосил қилмасдан тупроқни экишга тайёрлайдиган бурчаккескичли фронтал плуг Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Худойбердиев Комил Темирович” фермер хўжалиги ва Қамаши тумани “Эшнар бобо ўғли Файзулло бобо”, “Сертепа” ва “Ашур ота” фермер

хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 02/023-1878-сон маълумотномаси). Натижада далаларни буғдой ва такрорий экинлар экиш учун шудгорлашда ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи 1,18 мартага ва фойдаланишдаги харажатлар 26,8 фоизга камайишига эришилган;

эгатсиз текис шудгорлайдиган бурчаккескичли фронтал плугни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ва ҳисоблаш усуллари «ВМКВ-Agromash» АЖ га жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 02/023-1878-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга эгатсиз текис шудгорлайдиган такомиллаштирилган фронтал плугнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2017 йилда X Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ҳамда ёшларнинг “Инновацион ғоялар” республика кўрик-танловида намоёниш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ва апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг кўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида текис шудгорлаш технологиялари ва техника воситалари, бурчаккескичлар, бурчаккескичли плуглар конструкциялари ва улар бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, фронтал плуг бурчаккескичи турини танлаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.


Мавжуд эгатсиз текис шудгорлайдиган плуглар бир қатор камчиликларга

эга, жумладан улар палахсаларни ўз эгати чегарасида тўлиқ ағдарилишини ва бегона ўтларни тўлиқ кўмилишини таъминламайди, юқори энергияҳажмдорликка эга. Булар тупроққа етарли даражада сифатли ишлов берилмаслигига ва иш унумини пасайишига олиб келади.

Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, эгатсиз текис шудгорлашда тупроқнинг уваланиш ва бегона ўтларни кўмилиш даражасини ошириш ҳамда ёнилғи сарфи, меҳнат ва бошқа харажатларни камайтириш учун кам энергия сарфлаган ҳолда палахсаларни ўз эгати чегарасида ағдарилишини яхшилашни таъминловчи бурчаккескични фронтал плугда қўллаб эришиш мумкин.

Диссертациянинг «Текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг бурчаккескичи параметрларини назарий асослаш» деб номланган иккинчи бобида бурчаккескичли текис шудгорлайдиган фронтал плугнинг конструктив схемаси ва унинг бурчаккескичи параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва олиб борилган изланишлар асосида палахсаларни ўз эгати чегарасида 180° га ағдаришни такомиллашган технологияси ва уни амалга оширадиган бурчаккескичли фронтал плугнинг конструктив схемаси ишлаб чиқилди.




- a – дисксимон пичоқлар билан кесилган дала кўндаланг кесимининг кўриниши;
- b – бурчаккескичлар жойлашган дала кўндаланг кесимининг кўриниши;
- v – бурчаккескичлар билан палахсаларни қирралари кесилиб ағдарилгандан сўнг дала кўндаланг кесимининг кўриниши;
- z – палахсалар ўз эгати чегарасида 180° га ағдарилгандан кейин дала кўндаланг кесимининг кўриниши

1-расм. Тупроқ палахсаларини ўз эгати чегарасида 180° га ағдариш технологиясининг схемаси

Таклиф этилаётган технологияда палахсаларни ўз эгати чегарасида ағдариш жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этиш ва унга энергия сарфини камайтириш учун аввал палахсанинг чап ва ўнг юқори қирралари кесиб олинади ва унинг ўртасига ағдарилади, сўнгра палахса ўз эгати чегарасида 180° га ағдарилади (1-расм).

Фронтал плуг осиш қурилмаси билан жиҳозланган рама 1, дисксимон пичоқлар 2, бурчаккескичлар 3 ва 4, ўнг ва чап томонга ағдарадиган корпуслар 5 ва 6, заплужник 7 ва таянч-текисловчи ғалтакмола 8 дан иборат. Плугнинг фақат четки корпусларининг дала қирралари бўйича бир томонлама бурчаккескичлар, қарама-қарши корпусларнинг симметрия ўқи бўйича эса симметрик бурчаккескичлар ўрнатилади (2-расм).



1 – рама; 2 – дисксимон пичоқ;
3, 4 – бурчаккескичлар; 5, 6 – ўнг ва чап
томонга ағдарадиган корпуслар; 7 – заплужник;
8 – ғалтакмола

**2-расм. Бурчаккескичли фронтал плугнинг
конструктив схемаси**

Плугнинг иш жараёнида дисксимон пичоқлар 2 далани 12-13 см чуқурликда тик текисликда кесади ва массадан b_n кенгликдаги палахсаларни ажратади. Бурчаккескичлар 2 ва 3 $ABCD$ ва $EIKL$ палахсаларнинг ўнг ва чап қирралари A_1A_2 , B_1B_2 , E_1E_2 , ва I_1I_2 ларни кесади ва мос ҳолда уларни чап ва ўнг томонга палахсаларнинг устига ағдаради. Натижада кўп қиррали палахсалар a ва b шаклланади. Чап ва ўнгга ағдарувчи корпуслар ҳамда заплужниклар таъсирида кўпбурчак шаклидаги палахсалар қийинчиликларсиз ўз эгати чегарасида 180° га ағдарилади. Бу эса палахсани ағдарилиш сифатини яхшилади ва ушбу жараёнга энергия сарфини камайтиради.


Бурчаккескични дисксимон пичоқнинг орқасида ўрнатиш маъқул деб топилди (3-расм). Бу ҳолатда бурчаккескичнинг олдинги қирраси диск ҳосил қилган тирқиш бўйича ҳаракат қилади, бу эса унинг иш жараёнини яхшилади. Бурчаккескич учини ейилишдан сақлаш ва унинг тортишга қаршилигини камайтириш учун бурчаккескич учи C ни дискнинг чархланмаган юзаси пастки нуқтаси E сатҳида ўрнатилади. Бунда дисксимон пичоқ ва бурчаккескич орасидаги бўйлама масофани бурчаккескичнинг олдинги қиррасини диск тўғрисида тегмаслиги шартидан қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$l_1 = (R + S) \sin \alpha_0 - \left[R - \frac{1}{2} t_0 \operatorname{ctg} \frac{i_1}{2} - (R + S) \cos \alpha_0 \right] \operatorname{ctg} \alpha_0, \quad (1)$$

бунда R – дисксимон пичоқ радиуси, м; S – дисксимон пичоқ тиғи ва бурчаккескичнинг олдинги қирраси орасидаги тирқиш, м; α_0 – бурчаккескич

олдинги қиррасининг тупрокқа кириш бурчаги, градус; t_{δ} – дисксимон пичоқ қалинлиги, м; i_1 – дисксимон пичоқни чархланиш бурчаги, градус.

$R = 22,5$ см, $S = 2$ см, $\alpha_{\delta} = 50^{\circ}$, $t_{\delta} = 0,5$ см ва $i_1 = 25^{\circ}$ қабул қилиб, (1) ифода бўйича бажарилган ҳисоблар дисксимон пичоқ ўқидан бурчаккескич учигача бўйлама масофа камида 16 см бўлиши лозимлиги кўрсатди.



1 – дисксимон пичоқ; 2 – бурчаккескич


3-расм. Дисксимон пичоқ ва бурчаккескич орасидаги бўйлама масофа (l_1) ни аниқлашга оид схема

Бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофани (4-расм) корпус билан ишлов берилаётган палахсанинг деформацияланиш зонаси унинг олдидаги бурчаккескичнинг конструктив элементларига етиб бормаслиги шартидан қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$L_2 \geq b_{\delta} \operatorname{ctg} \gamma_{\delta} + \left(a - \frac{1}{2} b_{\kappa} \sin \varepsilon_{\kappa} \right) \operatorname{ctg} \psi_{1\kappa} \sin(\gamma_{\kappa} + \varphi) - \frac{b_{\kappa} \sin \varepsilon_{\kappa}}{\sin \gamma_{\kappa}}, \quad (2)$$

бунда b_{δ} – бурчаккескичнинг қамраш кенглиги, м; γ_{δ} – бурчаккескичнинг очилиш бурчаги, градус; a – корпуснинг ишлов бериш чуқурлиги, м; b_{κ} – корпуснинг қамраш кенглиги, м; ε_{κ} – лемехни горизонтга нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; $\psi_{1\kappa}$ – тупрокни лемехга тенг таъсир этувчи куч йўналиши бўйича текисликда синиш бурчаги, градус; γ_{κ} – лемех тифининг эгат деворига нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; φ – тупроқнинг ишқаланиш бурчаги, градус; b_{κ} – корпус лемехининг кенглиги, м.

$b_{\delta} = 10$ см, $\gamma_{\delta} = 32^{\circ}$, $a = 25$ см, $b_k = 52,5$ см, $\varepsilon_l = 33^{\circ}$, $\psi_{1l} = 45^{\circ}$, $\gamma_l = 45^{\circ}$, $\varphi = 25^{\circ}$ ва $b_l = 12,2$ см қабул қилиб, (2) ифода бўйича бажарилган ҳисоблар бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа камида 27 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.



1 – бурчаккескич; 2 – корпус;
3 – лемех

4-расм. Бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа (L_2) ни аниқлашга оид схема

Қуйидагилар бурчаккескичнинг асосий параметрлари ҳисобланади: H_{δ} – бурчаккескичнинг баландлиги, м; b_{δ} – бурчаккескичнинг қамраш кенглиги, м; α_{δ} – бурчаккескич олдинги қиррасининг тупроққа кириш бурчаги, градус; β_{δ} – бурчаккескичнинг бураш бурчаги, градус; γ_{δ} – бурчаккескичнинг очилиш бурчаги, градус; δ_{δ} – бурчаккескич ён қиррасининг қиялик бурчаги, градус; ε_{δ} – бурчаккескич ишчи ёқининг горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчаги, градус; l_{δ} – бурчаккескичнинг узунлиги, м.

Бурчаккескичнинг баландлиги H_{δ} ни бурчаккескичнинг ишлов бериш чуқурлиги a_{δ} ва бурчаккескичнинг қамраш кенглиги b_{δ} дан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$H_{\delta} = a_{\delta} + \frac{1}{3} \sqrt{b_{\delta}^2 + 4a_{\delta}^2}. \quad (3)$$

(3) ифода бўйича $a_{\delta} = 12$ см ва $b_{\delta} = 10$ см бўлганда, бурчаккескичнинг баландлиги $H_{\delta} = 22$ см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Бурчаккескич олдинги қиррасини тупроққа кириш бурчаги α_{δ} у билан кесилган палахсани ён томонга силжишига ва уваланишига таъсир кўрсатади. Уни тупроқ зарраларини бурчаккескич бўйича силжиши шартидан аниқлаймиз

$$\alpha_{\delta} \leq \frac{\pi}{2} - \varphi. \quad (4)$$

(4) ифода бўйича $\varphi = 25-30^{\circ}$ бўлганда бурчаккескич олдинги қиррасининг тупроққа кириш бурчаги $\alpha_{\delta} = 35-50^{\circ}$ ораликда бўлади. Уни $\alpha_{\delta} = 50^{\circ}$ деб қабул қиламиз.

Бурчаккескич ён қиррасининг қиялик бурчаги у билан кесиладиган палахсанинг қиялик бурчагига тенг, яъни

$$\delta_{\delta} = \arctg \frac{b_{\delta}}{a_{\delta}}. \quad (5)$$

(5) ифода бўйича $a_{\delta} = 12$ см ва $b_{\delta} = 8-10$ см бўлганда бурчаккескич ён қиррасининг қиялик бурчаги $\delta_{\delta} = 33-39^{\circ}$ ораликда бўлади. $\delta_{\delta} = 36^{\circ}$ деб қабул қиламиз.

Бурчаккескичнинг очилиш бурчаги γ_{δ} ни тупрокни бурчаккескич юзаси бўйича силжиши ва унинг олдида тўпланмаслиги таъминланиши шартдан аниқлаймиз

$$\gamma_{\delta} \leq \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi}{2}. \quad (6)$$

(6) ифода бўйича $\varphi = 25-30^{\circ}$ бўлганда бурчаккескичнинг очилиш бурчаги $\gamma_{\delta} = 30-32^{\circ}$ ораликда бўлади. Қабул қиламиз $\gamma_{\delta} = 32^{\circ}$.

Бурчаккескичнинг бураш бучаги β_{δ} ни қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$\beta_{\delta} = \arctg \frac{tg\alpha_{\delta}}{tg\gamma_{\delta}}. \quad (7)$$

(7) ифода бўйича $\alpha_{\delta} = 50^{\circ}$ ва $\gamma_{\delta} = 32^{\circ}$ бўлганда бурчаккескичнинг бураш бурчаги $\beta_{\delta} = 55^{\circ}$ бўлиши лозимлиги аниқланди.

Бурчаккескич ишчи ёқининг горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчаги ε_{δ} нинг қиймати унинг β_{δ} ва γ_{δ} бурчаклари қийматига боғлиқ, яъни

$$\varepsilon_{\delta} = \arctg \frac{\cos\gamma_{\delta}}{tg\beta_{\delta}}. \quad (8)$$

(8) ифода бўйича $\beta_{\delta} = 55^{\circ}$ ва $\gamma_{\delta} = 32^{\circ}$ бўлганда бурчаккескич ишчи ёқининг горизонтал текисликка нисбатан қиялик бурчаги $\varepsilon_{\delta} = 31^{\circ}$ бўлиши лозим.

Бурчаккескичнинг узунлиги l_{δ} ни бурчаккескич олдинги қиррасининг тупрокка кириш бурчаги α_{δ} , бурчаккескичнинг ишлов бериш чуқурлиги a_{δ} ва бурчаккескичнинг қамраш кенлиги b_{δ} дан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$l_{\delta} = (a_{\delta} + \frac{1}{3} \sqrt{b_{\delta}^2 + 4a_{\delta}^2}) ctg\alpha_{\delta}. \quad (9)$$

(9) ифода бўйича $a_{\delta} = 12$ см, $\alpha_{\delta} = 50^{\circ}$ ва $b_{\delta} = 8-10$ см бўлганда бурчаккескичнинг узунлиги $l_{\delta} = 26-27$ см оралиғида бўлади.

Бурчаккескичнинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди

$$R_{\delta x} = \frac{\tau a_{\delta} b_{\delta} l_{\delta}}{2 \sin \gamma_1 \sin \psi_1} [\cos \psi_{1r} \sin \gamma_{\delta} + f \sin(\varepsilon_{\delta} + \psi_{1r}) \sqrt{1 - (tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta})^2} x$$

$$x \cos[\arctg \frac{(1 - \cos \varepsilon_{\delta}) tg\gamma_{\delta}}{1 + tg^2 \gamma_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta}}] + \frac{1}{2} \rho a_{\delta} b_{\delta} l_{\delta} (tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta} + f \cos \gamma_{\delta}) \sqrt{1 - (tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta})^2} x$$

$$\cos[\arctg \frac{(1-\cos \varepsilon_{\delta})tg\gamma_{\delta}}{1+tg^2\gamma_{\delta}\cos \varepsilon_{\delta}}] + \frac{\rho}{2g} a_{\delta} b_{\delta} V_n^2 \sin \gamma \cos \psi_{1n} (1-i_{max}) \{[\sin \gamma_{\delta} \cos \psi_{1n} + \quad (10)$$

$$+ f \sin(\varepsilon_{\delta} + \psi_{1n}) \sqrt{1-(tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta})^2} \cos[\arctg \frac{(1-\cos \varepsilon_{\delta})tg\gamma_{\delta}}{1+tg^2\gamma_{\delta}\cos \varepsilon_{\delta}}]\},$$

бунда τ – тупроқни узилишга солиштирма қаршилиги, Па; l_{δ} – бурчаккескичнинг узунлиги, м; f – ишқаланиш коэффиценти; ρ – тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, кг/м³; g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; V_n – агрегатнинг ҳаракат тезлиги, м/с; i_{max} – юкланган текислик олдидаги тупроқнинг максимал чўкиш коэффиценти;

$\tau = 2 \cdot 10^4$ Па, $a_{\delta} = 12$ см, $b_{\delta} = 10$ см, $l_{\delta} = 27$ см, $\gamma_{\delta} = 32^{\circ}$, $\psi_{1n} = 45^{\circ}$, $f = 0,5$, $\varepsilon_{\delta} = 31^{\circ}$, $\alpha_{\delta} = 50^{\circ}$, $\rho = 1480$ кг/м³, $\varphi = 45^{\circ}$, $g = 9,8$ м/с² ва $i_{max} = 0,15$ қабул қилиниб, (10) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,8-2,3 м/с тезлик оралиғида бурчаккескичнинг тортишга қаршилиги 0,36-0,39 кН оралиғида бўлишини кўрсатди.

Бурчаккескичли фронтал плугнинг умумий тортишга қаршилигини аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди

$$P_{nlo} = n_{\delta} K_{\delta} a_{\delta} + n_{\delta} \left\{ \frac{\tau a_{\delta} b_{\delta} l_{\delta}}{2 \sin \gamma_1 \sin \psi_1} [\cos \psi_{1n} \sin \gamma_{\delta} + f \sin(\varepsilon_{\delta} + \psi_{1n}) \sqrt{1-(tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta})^2}] x \right.$$

$$x \cos[\arctg \frac{(1-\cos \varepsilon_{\delta})tg\gamma_{\delta}}{1+tg^2\gamma_{\delta}\cos \varepsilon_{\delta}}] + \frac{1}{2} \rho a_{\delta} b_{\delta} l_{\delta} (tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta} + f \cos \gamma_{\delta}) \sqrt{1-(tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta})^2} x$$

$$\cos[\arctg \frac{(1-\cos \varepsilon_{\delta})tg\gamma_{\delta}}{1+tg^2\gamma_{\delta}\cos \varepsilon_{\delta}}] + \frac{\rho}{2g} a_{\delta} b_{\delta} V_n^2 \sin \gamma \cos \psi_{1n} (1-i_{max}) \{[\sin \gamma_{\delta} \cos \psi_{1n} +$$

$$+ f \sin(\varepsilon_{\delta} + \psi_{1n}) \sqrt{1-(tg\alpha_{\delta} \cos \varepsilon_{\delta})^2} \cos[\arctg \frac{(1-\cos \varepsilon_{\delta})tg\gamma_{\delta}}{1+tg^2\gamma_{\delta}\cos \varepsilon_{\delta}}]\} + \quad (11)$$

$$+ n_{\kappa} [(\rho_0 ab V_n^2 (1-f_v \cos \beta_1 + f \sin \varepsilon_n \sin \gamma_n) +$$

$$+ f \rho_0 ab f_v V_n^2 \sin \alpha_0 (\sin \beta_0 \frac{l_3 a_3}{ha} + \sin^2 \varepsilon_n tg \gamma_n) + f q \frac{al_3 a_3}{24} +$$

$$+ f q \frac{a^2}{24} (b - \frac{\sqrt{2}a}{4}) \frac{\sin \varepsilon_n ctg \gamma_n}{\cos \gamma_n} + \rho_0 ab V_n^2 (1-f_v \cos \beta_1 +$$

$$+ f \sin \varepsilon_n \sin \gamma_n + f \sin \alpha_0 \sin \beta_0 \frac{l_3 a_3}{ha})].$$

бунда n_{δ} – дисксимон пичоқлар сони, дона; K_{δ} – дисксимон пичоқнинг солиштирма қаршилиги, Па; a_{δ} – дисксимон пичоқнинг ишлов бериш чуқурлиги, м; n_{δ} – бурчаккескичлар сони, дона; n_{κ} – корпуслар сони, дона; ρ_0 – тупроқни зичлиги, кг/м³; a , b – палахсанинг қалинлиги ва эни, м; f_v – палахсани сиқилиш коэффиценти; β_1 – палахсани корпус ишчи юзаси

бўйича нисбий ва илгариланма тезликлари орасидаги бурчак, градус; ε_n – лемехни горизонтга нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; γ_n – лемех тигининг эгат деворига нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; α_0, β_0 – палахсани корпус ишчи юзасига нормал орқали шартли ўтиш траекториясига мос бурчаклар, градус; a_3, l_3 – заплужникнинг баландлиги ва узунлиги, м; h – палахса айланишини биринчи босқичида ёпиқ эгатнинг узунлиги, м; q – тупроқнинг ҳажмий сиқилиш коэффициенти, Н/см³; V_n – агрегатнинг иш тезлиги, м/с².

$n_d = 5, K_d = 180$ Па, $a_d = 12$ см, $n_b = 5, n_k = 4, \rho_0 = 1410$ кг/м³, $a = 25$ см, $b = 52,5$ см, $f_v = 0,9, \beta_1 = 28^\circ, \alpha_0 = 27^\circ, \beta_0 = 23^\circ, l_3 = 35$ см, $a_3 = 18$ см, $h = 49,8$ см ва $q = 6$ Н/см³ қабул қилиниб, (11) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,8-2,3 м/с тезлик оралиғида бурчаккескичли фронтал плугнинг тортишга қаршилиги 27,2-27,8 кН ни ташкил этишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Фронтал плуг бурчаккескичи параметрларини асослаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотларни ўтказиш учун ишлаб чиқилган лаборатория-дала қурилмасининг тузилиши, дисксимон пичоқ ва бурчаккескич ҳамда бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофаларни, бурчаккескичнинг қамраш кенлиги ва ишлов бериш чуқурлигини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда бурчаккескични корпусга нисбатан жойлаштириш схемаси, дисксимон пичоқ ва бурчаккескич ҳамда бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа, бурчаккескичнинг қамраш кенлиги, ишлов бериш чуқурлиги ҳамда иш тезлигининг фронтал плугнинг сифат кўрсаткичлари ва тортишга қаршилигига таъсирини, иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди. Ҳар иккала босқичда ҳам тажрибалар ҚХМИТИ тажриба участкасининг буғдойдан бўшаган далаларида олиб борилди.

Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, бурчаккескичли фронтал плуг 6,5-8,5 км/соат иш тезликларида кам энергия сарфлаган ҳолда тупроққа талаб даражасида иш сифатини таъминлаши учун дисксимон пичоқ марказидан бурчаккескич учигача бўлган бўйлама масофа камида 16 см, бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа камида 27 см, бурчаккескич ишчи ёқининг қиялик бурчаги 36°, бурчаккескичнинг ишлов бериш чуқурлиги 12,5 см ва бурчаккескичнинг қамраш кенлиги 10 см бўлиши лозим.

Кўп омилли экспериментлар Хартли-4 режаси бўйича ўтказилди. Бунда асосий омиллар сифатида бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа (X_1), бурчаккескичнинг қамраш кенлиги (X_2) ва агрегатнинг иш тезлиги (X_3) қабул қилинди.

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар микдори (Y_1) ҳамда бурчаккескичнинг тортишга қаршилиги (Y_2) қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган натижалар бўйича баҳолаш мезонларини адекват ифодаладиган куйидаги регрессия тенгламалари олинди:

– тупрокнинг уваланиш даражаси бўйича, %

$$Y_1 = +85,533 + 1,427X_1 + 1,183X_2 + 2,090X_3 - 6,067X_1^2 - 0,367X_1X_3 - 1,317X_2^2 - 1,108X_2X_3 - 1,517X_3^2 \quad (12)$$

– бурчаккескичнинг тортишга қаршилиги бўйича, Н

$$Y_2 = +358,834 - 16,550X_1 - 3,983X_2 + 10,233X_3 + 20,750X_1^2 - 2,800X_1X_2 - 2,817X_1X_3 + 53,550X_2^2 + 9,266X_3^2 \quad (13)$$

Олинган регрессия тенгламаларининг таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Регрессия тенгламалари Y_1 мезон, яъни ўлчами 50 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори 80 фоиздан кам бўлмаслиги, Y_2 мезон, яъни қурилманинг тортишга қаршилиги минимал қийматга эга бўлиши шартларидан келиб чиқиб, MS Excel ва PLANEX дастурлари бўйича биргаликда ечилди.

Олинган натижалар бўйича бурчаккескичли фронтал плуг 6,5-8,5 км/соат иш тезликларда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражадаги иш сифатини таъминлаши учун бурчаккескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа 273-304 мм, бурчаккескичнинг қамраш кенлиги 194-204 мм оралиғида бўлиши лозим. Омилларнинг ушбу қийматларида ўлчами 50 мм кичик бўлган тупроқ фракциялари 80,7-86,0%, тортишга қаршилиги 359,3-375,2 Н ни ташкил этди.

Диссертациянинг **“Бурчаккескичли фронтал плугнинг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари”** деб номланган тўртинчи бобида бурчаккескичли фронтал плуг тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синов натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган бурчаккескичли фронтал плугнинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Бурчаккескичли фронтал плугнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар ушбу плугни шудгорлашда қўлланилганда бир гектар ерга ишлов бериш учун сарфланадиган тўғридан-тўғри харажатлар 26,8 фоизга камайишини кўрсатди. Бунда битта машина бўйича йиллик иқтисодий самара 28134453 сўмни ташкил этиши аниқланди.

ХУЛОСА

«Фронтал плуг бурчаккескичи параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида куйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ўтказилган таҳлиллар текис шудгорлашда қўлланиладиган мавжуд қуроқлар ва улар иш органларининг конструктив хусусиятлари асосида бурчаккескичлар билан жиҳозланган фронтал плугнинг конструкциясини ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Фронтал плуг рамасига дисксимон пичоқлар, бурчаккескичлар, чап ва ўнгга ағдарувчи корпуслар ва планкали ғалтакмолани якка тартибда ва кетма-кет жойлаштириш уни ихчам ва осма этиб тайёрлаш имконини берди.

3. Фронтал плугнинг бурчаккескичи уч ёнли пона турида бўлиб, унинг баландлиги 22 см, қанотининг очилиш бурчаги 32° , ён қиррасининг қиялик бурчаги 36° бўлганда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида текис шудгорлашни таъминлайди.

4. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича кам энергия сарф қилинган ҳолда тупроққа белгиланган агротехник талаблар даражасида ишлов бериш фронтал плуг корпуси лемехининг тумшуғидан бурчаккескичгача бўйлама масофа камида 27 см ва дисксимон пичоқдан бурчаккескичгача бўйлама масофа камида 16 см бўлганда таъминланади.

5. Ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган бурчаккескичли фронтал плуг белгиланган технологик жараёнларни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари агротехника талаблари ҳамда техник топшириққа тўлиқ мос келди.

6. Бурчаккескичли фронтал плугни қўллаш амалдаги техника воситаларига нисбатан ерларни эгатсиз текис шудгорлашда бир гектар майдонга сарфланадиган тўғридан-тўғри (эксплуатацион) харажатларни 26,8 фоизга камайтириш ва бунинг эвазига битта машинадан йилига 28134453 сўм иқтисодий самара олиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РнД.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КУРБАНОВ ШЕРЗОД БАХТИЁРОВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ УГЛОСНИМА
ФРОНТАЛЬНОГО ПЛУГА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

КАРШИ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/T215.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: (www.qmii.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Маматов Фармон Муртозевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мусурмонов Аззам Турдиевич
доктор технических наук, доцент

Эргашев Маъруфжон Мухаммаджонович
PhD по техническим наукам

Ведущая организация:


АО «ВМКВ-Agromash»


Защита диссертации состоится «31» октября 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.T.111.02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г.Карши ул. Мустакиллик, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 2). Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «20» октября 2020 года.
(Протокол рассылки № 2 от «19» октября 2020 года).




И.Т.Эргашев
член председателя научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор


Д.Ш. Чуяинов
ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., доцент


З.Л. Батиров
председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одно из ведущих мест занимает разработка и применение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных машин для основной обработки почвы. Если учесть, что «В мировом масштабе пахотные площади составляют более 1,6 млрд. гектаров»¹, то важной задачей считается разработка энерго-ресурсосберегающих почвообрабатывающих машин и орудий с высоким качеством работы и эффективностью. Вместе с тем, большое внимание уделяется разработкам и применению плугов, выполняющие гладкую вспашку полей без открытых борозд и свальных гребней для посева зерновых и повторных культур.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических основ ресурсосберегающих технологий основной обработки полей для возделывания зерновых и повторных культур и технических средств для их осуществления. В этом направлении, в частности актуальным является разработка плугов гладкой и качественной вспашки полей и обоснование технологического процесса их рабочих органов, обеспечение ресурсосбережения в процессах их взаимодействия с почвой. В этом аспекте разработка фронтального плуга для гладкой безбороздной вспашки, оборудованный с углоснимками является востребованной.

Сельское хозяйство является основной отраслью экономики нашей республики. В сельскохозяйственном производстве республики проводятся широкомасштабные мероприятия по снижению затрат труда и энергии, экономии ресурсов при возделывании сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий и разработке высокопроизводительных сельскохозяйственных машин, в частности, особое внимание уделяется разработкам технических средств, обеспечивающих качественное выполнение технологических процессов при минимальных затратах энергии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрено дальнейшее развитие сельского хозяйства, в частности, «... для модернизации и интенсивного развития, дальнейшего улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель, развития сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высоко-производительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач важным является получение высоких урожаев сельскохозяйственных культур и снижение их себестоимости за счёт технической и технологической модернизации фронтальных плугов для гладкой безбороздной вспашки, осуществляющих качественную вспашку полей для посева пшеницы и повторных культур.

¹www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-№4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»¹, ПП-№3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №373 от 18 мая 2018 года «О дополнительных мерах по своевременному оснащению сельского хозяйства сельскохозяйственной техникой», а также других нормативно-правовых актов.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

